



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2023-yil 20-yanvar / № 2 (4713)

2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

АСКАРЛАРИ БОТИР ЭЛ

Армиямизнинг куч-қудрати унинг халқимиз билан бирлиги ва ҳамжихатлигидадир. Шундай маънавий қудрат манбаи бор экан, ҳеч қандай ёвуз куч Ватанимиз мустақиллигига, тинч ва осуда ҳаётимизга раҳна сололмайди, бизни демократик ўзгаришлар йўлидан ортга қайтара олмайди. Айниқса, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги кенг нишонланган кунларда буни ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этдик.



Кувонарлиси, “Армия ва халқ — бир тану бир жон!” деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса, Ватан ҳимояси барчамизнинг нафақат вазиғамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан далolat.

Буюк саркарда Амир Темури бобомиз бежиз: “Аскарлари ботир эл қудратли бўлур”, демаган. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темури ва улуғ лашкар-бошиларимиз ўғитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз гурури бахш этади, муқаддас туғроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради.

Дунё стандартлари даражасида ташкил этилган ҳарбий таълим тизими илмий ривожланмоқда. Янгитдан тузилган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий ҳарбий таълим муассасалари каторидан муносиб жой эгаллади. Бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет очилди. Қуролли Кучлар академиясида қўшимча таълим инфратузилма-

лари фойдаланишга топширилди. Махсус вазиғаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув маркази ташкил этилмоқда. Ўзбекистон куч тизимлари тасарруфида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг ташкил қилингани ҳам шулар жумласидан.

Ҳарбийларимиз профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмайди. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўз маҳорати, қучли руҳий тайёргарлиги, галабага бўлган иродасини намоён этмоқда. Буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва она юртга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиялашга фаол киришилгани аҳамиятга молик. “Ватанпарвар” ва “Фахрийлар” сингари ташкилотлар, шунингдек, Мудоғаа вазиғлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтиради ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

“Билаги зўр бирни енгади, билими зўр мингни” деган мақол бор. Юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнида илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қанчалик кенг жорий этсак, Қуролли Кучларимиз сафи янада мустаҳкамланади. Бу борада бошлаган ишларимизни — ҳарбий ислохотларни янги босқичга қўтаришимиз зарур. Шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиради, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиради ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бугунги ёшларимиз орасида Амир Темури каби ёвқур, шиғоатли, Жалолидин Манғуберди каби қўрқмас, ботир, Ватаннинг ҳақиқий ўғлини бўлишни дилига тугган йигит-қизлар кўп. Уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳарбий

давлатчилик тарихида чуқур из ва улкан мерос қолдирган. Унинг даврида мўғуллар зулмига барҳам берилиб, қучли марказлашган давлат барпо этилган, юрт тарихидаги Иккинчи Ренессанс асослари яратилган.

Маълумки, 2019 йил 28 июнда Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудоғаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазиғликлари, Давлат ҳавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибиде “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилган. Жумладан, Давлат ҳавфсизлик хизматининг “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи учун пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги бино қурилган. Айни пайтда ушбу таълим масканида тахсил олаётган ёшларга етук олимлар, фан докторлари ва номзодлар, ёш тадқиқотчилар, олий тоифали ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 16 октябрь ҳамда 2022 йилнинг 7 январь кунлари мазкур замонавий таълим масканига таширф буюриб, ҳарбий-академик лицейдаги таълим жараёни билан танишди. Дав-



ЕВРОПАЛИК ОЛИМ ЭЪТИРОФИ

19 январь ўзбек халқининг фидойи фарзанди, маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий таваллуд тогган кун. Шу муносабат билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Республикаси Вазиғлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси ҳамкорлигида “Махмудхўжа Бехбудий мероси ва жадид матбуотини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжаев очиб берди. Шунингдек, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, профессор Бахтиёр Ҳасанов, Туркий тилли давлатлар журналистлар уюшмаси раиси Мендерес Демир, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, “Ишонч” газетаси бош муҳаррири Хусан Эрматов Махмудхўжа Бехбудий ва унинг сафдошлари фаолиятини ўрганишдаги муҳим вазиғалар, анжуманнинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида гапиришди.

Анжуманда Амстердам минтақавий, трансмиллий ва Европа тадқиқотлари мактаби (АРТЕС) директори Майкл Кемпел “Жадид таълимотининг асосий йўналишлари” мавзусидаги маърузасида, жумладан, “Жадидчилик ҳаракати нафақат Туркистон ёки Кавказ мусулмонлари ўртасида, балки халқаро миқёсдаги ҳаракат ҳисобланади. Шунинг учун жаҳон миқёсида унга қизиқиш, эътибор қучли”, деб таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда, Амстердам университети профессори Шамил Шикҳалиев, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Турсунали Қўзиев, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими Баҳром Ирзаев, филология фанлари докторлари Мухтор Худойқулов, Ҳалим Саидов, Антон Антонов, филология фанлари номзодлари Нормурод Авазов, Акбар Нурматов, Нилуфар Намозова Махмудхўжа Бехбудий ва жадид зиёлилари фаолиятига оид янги маълумотлар ва тадқиқотлар ҳақида гапиришди. Жадид маърифатпарварларининг ноиллигини оқлаш, асарларини чоп этиш бўлгани кунда ҳам давом этаётгани, ҳали тадқиқотчилар олдида қилиниши керак бўлган вазиғалар кўпчилиги алоҳида таъкидланди. Бу борада олинб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, олим ва тадқиқотчиларни миллий матбуотнинг етакчи намоёндаси меросини ҳамда жадид матбуотини ўрганишга жалб этиш ва шу йўналишда хорижий олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган анжуманда айтилган қизиқарли мулоҳазалар, тақлифлар иштирокчиларнинг эътиборини тортиди.

Н.НАМОЗОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси



соҳадаги қадрият ва анъаналарни янада кенг тарғиб этиш муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ўқувчилар ўртасида “Ўзбекистон тарихи” фани ва “Темур тузуклари” китоби бўйича синов ўтказиш тартибининг йўлга қўйилгани диққатга сазовордир.

Жаҳон халқлари Амир Темури сиймосида моҳир саркарда, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийсини кўради. Мустақиллик даврида буюк Амир Темури шахсияти, унинг давлатчилик тарихида тутган ўрни мамлакатимиз миллий мафқураси асосларини ташкил этаётгани бежиз эмас. Буюк бобомиз давлат арбоби сифатида Ватанимиз

лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар билан ўтказилган бевосита суҳбат, республикамиздаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари билан онлайн мулоқотлар жараёнида ёшларни ҳар томонлама етук ва билимли, ватанпарвар кадрлар этиб тарбиялаш борасидаги устувор вазиғалар белгиланди.

Самир РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Темурбеклар мактаби”
ҳарбий-академик лицейи директори

ЧЎЛПОН

Атоқли фольклоршунос олима Музайяна Алавия (1909 — 1988) тарихнинг мураккаб дaвларидан бирида яшaди. У шу даврда ўзбек халқининг мунaввар фарзандларидан бири — ақаси, шоир Абдулла Алавий таъсирида, ҳали инқилобий ғоялар ва шиорлар кириб келмаган илм-фаннинг ноёб соҳаларидан бири — ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ёзиб олиш, нашр қилиш ва тадқиқ этишдек қутлуг бир соҳани танлади. Халқ бахшмилари репертуаридаги дaстонларни ёзиб олиш иши эндигина бошланган эди. Лекин шахарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, “тўрт девор” ичида яшаб, ажойиб халқ қўшиқларини ижод қилаётган истеъдодли ўзбек хотин-қизларининг асарларини ёзиб олувчи аёл олималар ҳали дунёга келмаган эди. Кўп ўтмай, шундай олима дунёга келди. Бу, ҳар қандай қийинчиликни енга оладиган, зарур бўлганда, олис қишлоқларга гоҳ пийёда, гоҳ аравада, гоҳ от миниб боришдан қочмайдиган Музайяна Алавия



эди. У ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб 50-йилларга қадар бўлган даврда ўнлаб шаҳарлар, юзлаб қишлоқларга бориб, унутилиб кетиши муқаррар бўлган халқ ижоди дурдоналарини ёзиб олди, нашр этди ва тадқиқ қилиб, ўзбек фольклоршунослик фанининг асосчиларидан бири сифатида ҳурмат ва эътибор қозонди.

Музайяна Алавия ҳаётининг яна бир ҳавас қиларли томони шундаки, у Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари машҳур шоир ва ёзувчилар, шунингдек, ақаси Абдулла Алавий билан яқин муносабатда бўлди. У ҳаётининг сўнгги йилларида “хотира қудуғи”ни игна билан қавлаб, “Эсимдагилар” деган хотиралар туркумини яратди.

Бугун биз эълон қилаётган Чўлпон ҳақидаги хотира ноёб факт ва маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Наим КАРИМОВ,
академик

► 4

Жаҳолат кадрланмайди, балки унга қарши курашилади. Илм-маърифат эса, аксинча, мамлакат тараққиётини юксалтириб, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга, инсоннинг кадр-қимматини оширишга хизмат қилади. Шу боис илм-фанны ривожлантириш ҳамиша долзарб аҳамият касб этган.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ



Маъмуриликда, жисмонан ва маънан соғлом ҳаёт кечирган одам нафақат ҳаётдан рози, жамият раванки, оиласи, ўзи учун қўп ишлар қилишга қодир бўлади. Давлат тилининг мавқеи, сиёсий нуфузи ҳам мамлакатнинг ривожланганлик

даражасига, аҳоли фаровонлигига бевосита боғлиқ. Чет тилларни пухта ўрганиб хорижда ишлаш, маляка оширишга интилувчиларнинг кўпайгани бу фикрни тасдиқлайди. Ривожланган давлатларнинг тили, маданияти, юксак тараққиёти сирларини ўрганиш қанчалик муҳим бўлса, ўзбек тилининг мавқеини кўтариш, таълим сифатини яхшилаш ҳам шунчалик муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, мамлакат тараққиёти, жумладан, инсонга эътибор сифатли таълим-тарбиядан бошланади. Янги йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида, назаримда, ана шундай теран ҳаётий мазмун му-

► 2

